www.wordlyknowledge.uz Volume: 2, Issue: 2, 2023

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ, УНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

Эргашева Анбар Шаймардон қизи

Халқаро инновацион университети

“Педагогика ва жисмоний маданият” кафедраси ўқитувчиси

Email: anbaraergasheva@mail.ru

АННОТАЦИЯ:Мазкур мақолада ўқув-тарбия жараёнида инновацион технологиялар, инновацион фаолият, педагогик технологияларнинг таълим жараёридаги ўрни ва ўзига хос хусусиятлари баён этилган.Шунингдек, ёш авлод тарбиясида таълим инновациялари, педагогик фаолиятда илғор педагогик тажрибалардан фойдаланиш ва ўқитувчининг касбий маҳоратини ошириш муаммоларига оид долзарб масалалар келтирилган.

АННОТАЦИЯ:В данной статье описаны роль и характеристики инновационных технологий, инновационной деятельности, педагогических технологий в образовательном процессе.Также представлены актуальные вопросы, связанные с проблемами образовательных инноваций в воспитании молодого поколения, использования передового педагогического опыта в педагогической деятельности и повышения профессионального мастерства учителя.

Калит сўзлар: таълим-тарбия, инновация, инновацион фаолият, педагогик тизим, педагогик фаолият, илғор педагогик тажриба, таълим инновациялари, ўқитувчи-ўқувчи ҳамкорлиги, таълим сифати, педагогик технология, самарадорлик.

Ключевые слова:образование, инновация, инновационная деятельность, педагогическая система, педагогическая деятельность, передовой педагогический опыт, образовательные инновации, сотрудничество учителя и ученика, качество образования, педагогическая технология, эффективность.

Ўзбекистон Республикаси демократик, ҳуқуқий ва фуқаролик жамиятини қуриш йўлидан бораётган бир пайтда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади ва ҳаракатга келтирувчи кучи ҳар томонлама ривожланган баркамол инсонни тарбиялашдан иборатдир. Мамлакатимиз ривожланишининг муҳим шарти ҳам замонавий иқтисодиёт, фан, маданият, техника, технология ривожи асосида мутахассис кадрлар тайёрлашнинг такомиллашган тизимининг амал қилишига эришишдир. Шундай экан, бугунги кунда эркин шахсни шакллантириш муаммоси узлуксиз таълим муассасаларида ўқув-тарбиявий ишларни замонавий инновацион технологиялар асосида ташкил этиш таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишни кўзлаган ҳолда таълим сифатига ҳам ижобий таъсир этмасдан қолмайди. Бу жараён осон кечмаслиги маълум, лекин жорий этилаётган узлуксиз таълимни қатъиян илмий асосланган педагогик тизимга айлантириш ва педагогик фаолиятда илғор педагогик тажрибалардан фойдаланиш ва ўқитувчининг касбий маҳоратини ошириш муаммолари бугунги таълим-тарбия тизимининг долзарб масалаларидан биридир. Бу борада ўқув-тарбия жараёнида инновация, таълим инновацияларининг қўлланиши таълим тизимида ижобий характерга эга бўлиб, ўқитувчи-ўқувчи ҳамкорлиги асосида таълимдан кўзланган натижага эришишни таъминлайди.

www.wordlyknowledge.uz Volume: 2, Issue: 2, 2023

Инновацион педагогик технология шундай билимлар соҳасини, уларнинг воситасида янги минг йилликда давлатнинг узлуксиз таълим соҳасидаги сиёсатида туб бурилиш юз беради, педагог фаолияти янгиланади, ўқувчи-талабаларда мустақил фикрлаш, онгли фаоллик, мантиқий тафаккур, инсонпарварлик туйғулари тизими шакллантирилади.

Илмий-педагогик фаолиятни ажралмас ва муҳим қисмларидан бири таълим жараёнида инновацион-компьютер технологияларидан самарали фойдаланиш тизимини мукаммал ташкил этишдир. Чунки, компьютер ва мультимедия технологиялари асосида интерфаол электрон ўқув курсларидан ўқув жараёнида фойдаланиш таълим самарадорлигини оширишга имкон берувчи асосий восита сифатида қаралмоқда. Ҳозирда ёшлар орасида компьютер ва мультимедия воситаларидан фойдаланишни биладиганлар сони сезиларли даражада ошди.

Илмий-педагогик фаолияти давомида ҳам компьютер ва мультимедия технология асосида интерфаол электрон ўқув курсларини қўллаш орқали ижобий натижаларга эришилмоқда. Педагогик жараён янгиланиши билан инсон фаолияти чегараси ниҳоятда кенгайиб бораяпти, аудиторияга ўқитиш имкониятлари катта бўлган инновацион технологиялар кириб келмоқда. Рўй бераётган сифат ўзгаришлари шундан далолат берадики, замон талабига жавоб бера оладиган, билимли, комил инсонни тарбиялаш жараёни бир қатор омилларга боғлиқ бўлиб улар қўйидагилардан иборатдир:

- таълим муассасаларида инновацион технологиялардан фойдаланишга шароит яратиш;
- илмий-услубий таъминот (электрон дарсликлар, услубий қўлланмалар, адабиётлар);
- педагоглар малакасини инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда мунтазам ошириш;
- таълим ва тарбия жараёнида масофадан ўқитиш ва ҳ.к.

Компьютер ва мультимедия технологиялари имкониятларидан тўла фойдаланган ҳолда қўйидагиларга эришиш мумкин:

- компьютердан ва интерфаол усуллардан фойдаланиб таълим сифатини ошириш;
- талабаларни дарс мавзусига қизиқтириш;
- билимларнинг пухта ўзлаштиришига эришиш;
- талаба тафаккурини ривожлантириш, яъни ўқувчини фикрлашга ўргатиш;
- талабаларни ўзаро мулоқот (муомала) қилишга фаол иштирокини таъминлаш;
- ўқувчилар гуруҳида мўътадил психологик иқлим яратиш;
- компьютернинг ҳисоблаш, ахборот излаш ва узатиш, ахборотларни қайта ишлаш, график имкониятини ўзлаштириш;
- таълим-тарбия жараёни назоратини диагностикасини ва баҳолашни амалга ошириш;
- тармоқ орқали касбий маҳорат, илмий-услубий адабиётларни алмашиш имконияти;
- таълим муассасаларининг марказлашган бошқаруви.

www.wordlyknowledge.uz Volume: 2, Issue: 2, 2023

- Бундан кўриниб турибдики, компьютер ва мультимедия воситаларининг имкониятлари нафақат ёшларнинг шахс сифатида шаклланишига кўмак беради, балки уларни қобилиятларининг юзага чиқишига имкон беради. Таълим беришнинг бу услубларидан профессор-ўқитувчи ва талабанинг роли бутунлай ўзгаради. Профессор-ўқитувчи назарий билимларини, турли услубларини ва йўриқномаларини берувчи ўқитувчидан турли шароитларда юзага келадиган муаммоларни ҳал этишга ёрдам берадиган малакали маслаҳатчига айланади. Талабанинг ўзи мақсадини шакллантиради, муаммоларни аниқлайди, ахборотларни таҳлил қилади, ҳамда муаммоларни ечиш мумкин бўлган йўлларини кўрсатади. Дарс давомида қайд этилган камчиликлар ечиш ва янги ғоялар, албатта, унинг келгусидаги иш фаолиятида ўз аксини топади. Демак, ҳозирги кундаги педагогик технологияларнинг ҳам асл мақсади, ўқувчиларнинг қобилиятларидан келиб чиққан ҳолда методикани танлаш, энг самарадор усуллардан фойдаланиб иш фаолиятини ташкил этишдан иборатдир. Ўқув-тарбия жараёнида педагогик технологияларнинг тўғри жорий этилиши ўқитувчининг бу жараёнда асосий ташкилотчи ёки маслаҳатчи сифатида фаолият юритишига олиб келади. Бу эса. ўқувчидан кўпроқ мустақил ишлаш, ижод қилиш ва ирода каби сифатларни талаб этади. Ҳар қандай педагогик технологиянинг ўқув-тарбия жараёнида қулланилиши шахс табиатидан келиб чиққан ҳолда ўқувчини ким ўқитаётганлиги ва ўқитувчи кимни ўқитаётганига бевосита боғлиқ. Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, педагогик технология асосида ўтказилган машғулотлар ёшларнинг муҳим ҳаётий ютуқ ва муаммоларига ўз муносабатларини билдиришларига интилишларини қондириб, уларни фикрлашга, ўз нуқтаи назарларини асослашга имконият яратади. Ҳозирги даврда содир бўлаётган инновацион жараёнларда таълим тизими олдидаги муаммоларни ҳал этиш учун янги ахборотни ўзлаштирадиган ва ўзлаштирган билимларини ўзлари томонидан баҳолашга қодир бўлган, зарур қарорлар қабул қиладиган, мустақил ва эркин фикрлайдиган шахслар керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алимов Р, Ходиев Ю, Усмонов С ва бошқалар. Миллий иқтисодда ахборот тизимлари ва технологиялари. Ўқув қўлланма. Т.: Шарқ. 2004. 319 б

2. Жўраев Р.Ҳ., Тайлақов Н.И. Ахборотлашган таълим муҳити–ўқитиш самарадорлигини ошириш воситаси// Узлуксиз таълим. –2004.– №3. –Б. 3–7.

3. Ишмуҳамедов Р, М.Юлдашев. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар (таълим тизими ходимлари, методистлар, ўқитувчилар, тарбиячи ва мураббийлар учун ўқув қўлланма) -Т.: 2013. -279 б

4. Толипов У., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари.-Т.: 2006.